

№ 12-01/28
19.03.2025 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Вилоят ҳокими, Одам
савдосига қарши курашиш ва
муносиб меҳнат масалалари
бўйича ҳудудий комиссияси
раиси



Н.Т.Турсунов

2025 йил “19” март

Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича
ҳудудий комиссияси йиғилишининг № _____ -сон

БАЁННОМАСИ

2025 йил “____” март

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

Н.Т.Турсунов—вилоят ҳокими, вилоят ҳудудий
комиссия раиси.

Қатнашганлар:

Вилоят Одам савдосига қарши курашиш ва
муносиб меҳнат масалалари бўйича
комиссияси ва ишчи гуруҳ аъзолари (рўйхат
бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича кичик комиссияси раиси П.Р.Бобожонов томонидан 2025 йилнинг 28 февраль куни ўтказилган 1-сонли йиғилиши баённомаси муҳокамаси;
2. “Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича ҳудудий комиссиясининг 2025 йил учун мўлжалланган чоратadbирлар режаси” муҳокамаси.
3. Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича ҳудудий комиссиясининг ҳамда шаҳар-туман ҳудудий комиссияларининг 2024 йил 12 ой мобайнида амалга оширилган иш фаолияти натижалари ҳамда келгусидаги амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокамаси;
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги 60-сон қарори таъминланганлиги ҳамда одам савдосидан жабрланган ёки жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтиришда учраётган камчиликлар тўғрисида.

Йиғилишни вилоят ҳокими Н.Т.Турсунов кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги биринчи масала юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича кичик комиссияси раиси П.Р.Бобожонов ҳузурида 2025 йилнинг 28 февраль куни ўтказилган 1-сонли йиғилиш баённомасида кўрсатиб ўтилган 2024 йилнинг ўтган давр мобайнида одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат тамойилларини кенг жорий этиш, соҳага доир қонунчилик асосларини такомиллаштириш мақсадида 18 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат (*14 қонун, 1 та Президент Фармони, 1 та Президент қарори ва 2 та Вазирлар Маҳкамаси қарори*) қабул қилиниб, 1 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат (*қонун*) лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги, одам савдоси билан боғлиқ 177 та жиноят фош этилиб, мазкур жиноятларни аниқлаш ўтган йилга (*135 та*) нисбатан 31 фоизга яхшиланганлиги йиғилиш иштирокчиларига етказилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан ҳудудий комиссия раиси ўз сўзини давом эттириб, одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича ҳудудий комиссияларнинг келгусидаги хизмат вазифалари ва амалга оширилиши лозим бўлган топшириқлар юзасидан ишлаб чиқилган 2025 йил учун мўлжалланган иш режа ва уларни амалга ошириш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Кун тартибининг учинчи масаласи юзасидан одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича комиссия раиси ўринбосари А.Д.Тасбаев сўзга чиқиб, 2024 йил давомида вилоятнинг барча-шаҳар туманларида одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар томонидан 18 та йиғилиш, 626 маротаба турли тарғибот тадбирлари, 218 та оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинганлигини, ушбу тарғибот тадбирларига жами вилоятимизда 21.310 нафар шахсларлар жалб қилиниб, одам савдоси ва унинг олдини олишга қаратилган 35.120 та турли тарқатма материаллари тарқатилганлигини, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар етарли эмаслигини йиғилиш қатнашчиларига маълум қилди.

Ҳудудий комиссия раиси ўринбосари ўз сўзини давом эттириб, 2024 йилнинг 12 ойи давомида вилоят идораларига одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича жами 10 та мурожаат келиб тушганлиги, ушбу мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, текширув натижалари бўйича мурожаат муаллифларига ҳуқуқий тушунчалар берилганлиги, бу борада ҳар бир мурожаат муаллифининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиниши ҳамда одам савдосидан жабрланиб қолишини олдини олиш борасида мақсадли чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу келиб тушган мурожаатларни кўриб чиққанымизда 10 та (*Навоий шаҳар-7та, Навбаҳор, Қизилтепа ва Хатирчи туманлари ҳиссасига эса 1 тадан*) тўғри келганлиги, улардан 7 таси *шаҳвоний мақсадларда, 3 таси чақалоқ савдоси билан боғлиқ ҳолатларини ташкил этганлиги*, мазкур аниқланган ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135 моддаси талаблари асосида жиноят ишлари кўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланганлиги йиғилиш иштирокчиларига етказилди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан муносиб меҳнат масалалари бўйича раис ўринбосари Л.А.Хайруллаев сўзга чиқиб, республика ҳудудида одам савдоси жиноятларидан жами 229 нафар шахслар жабрланиб, шундан 175 нафар аёллардан шахвоний мақсадларда фойдаланиш, 11 нафар меҳнат эксплуатациясидан ва 43 нафар бола жабрланганлиги, вилоят ҳудудида эса 6 нафар шахс шахвоний мақсадларда ва 3 нафар бола жабрланганлиги йиғилиш иштирокчиларига етказилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 08.02.2021 йилдаги 60-сон қарори билан Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш, уларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашуви тўлақонли таъминланаётганлигини билдириб, вилоят ҳудудида одам савдосидан жабрланган ва тўлақонли идентификация қилинган 3 нафар шахс Республика реабилитация марказига юборилганлиги, жабрланувчиларга ҳуқуқий, моддий ва тиббий ёрдамлар берилганлиги йиғилиш иштирокчиларига етказилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳудудий комиссия масъул ходимларининг ҳисоботлари ва келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан фикр ва таклифлари тингланди.

Йиғилишда эшитилган ахборот ҳамда муҳокама этилган масалалар бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни чуқур ва ҳар тарафлама муҳокама қилинганлигини инобатга олган ҳолда тезкор йиғилиш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича кичик комиссиясининг 28.02.2025 йилдаги 1-сон баённомаси қарори талаблари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича ҳудудий комиссияси томонидан 2025 йил учун мўлжалланган чора-тадбирлар режаси тасдиқлансин;

3. Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича ҳудудий комиссия (А.Д.Тасбаев) ҳамда Муносиб меҳнат масалалари бўйича ҳудудий комиссия (Л.А.Хайруллаев):

- 1-сонли йиғилиш баёнида белгиланган топшириқларни ўз муддатида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин;

- одам савдоси ва унинг олдини олиш борасида аҳолининг хабардорлигини оширишга қаратилан барча зарурий чора-тадбирларни амалга оширсин;

- комиссиялар йиғилишларидан келиб чиққан ҳолда, аҳоли ўртасида тарғибот тадбирларини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилсин ва ойнинг якуни билан ушбу йўналишда олиб борилган ишлар юзасидан ҳудудий комиссияга ахборот киритсин.

5. Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича ҳудудий комиссия масъул котиблари биргаликда:

- ҳудудий комиссияга аъзо ташкилот ва идораларнинг мутахассисларидан иборат доимий фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳнинг фаолиятини мунтазам равишда ташкил этиб бориш;

- ҳар чорак якуни билан ҳудудий комиссия томонидан тасдиқланган иш режанинг ижроси мониторинг қилинсин ва заруратга қараб комиссия йиғилишларида муҳокама этиб борилсин;

6. Шаҳар-туман ҳудудий комиссия раисларига

- ҳудудий комиссия аъзолари ҳамда ишчи гуруҳнинг иш фаолияти доимий равишда мувофиқлаштирилсин;

- кичик комиссиянинг 1-сонли баёни ва мазкур баённома қарори талаблари тўлиқ ижрога қаратилсин;

7. Ҳудудий комиссия аъзолари ва шаҳар-туман ҳокимликлари ушбу баённомада белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан амалга ошириладиган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни комиссия раисига белгиланган муддатда тақдим этиб борилсин.

8. Мазкур баённома ҳудудий комиссия аъзоларига ва шаҳар-туман ҳокимликларига юборилсин.

9. Ушбу мажлис баёнида белгиланган топшириқлар бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳудудий комиссия раиси ўринбосарлари (А.Д.Тасбаев, Л.А.Хайруллаев) ҳамда шаҳар-туман ҳокимлари зиммасига юклансин.


Баёнлаштирди:



Н.Н.Ашуров


« ИМЗО ЧЕКУВЧИЛАР »

**Вилоят ҳудудий комиссия раис
ўринбосари, вилоят Ички ишлар
бошқармаси бошлиғи**



А.Д.Тасбаев

**Вилоят ҳудудий комиссия раис
ўринбосари, Камабағалликни
қисқартириш ва бандлик бош
бошқармаси бошлиғи**



Л.А.Хайруллаев

« » _____ **2025 йил**

« » _____ **2025 йил**

